

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС**

**ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

**5520100 – "Иссиқлик энергетикаси"**

**бакалавр таълим йўналиши**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Мавзу: Муборак ИЭМида паст потенциалли иссиқлик  
чиқиндиларининг иссиқлигидан фойдаланиш**

Рахбар:

\_\_\_\_\_

(имзо)

**Ибрагимов У.Х.**

Ишни бажарувчи:

\_\_\_\_\_

(имзо)

**Жалилов Т.Т.**

**"Ҳимояга руҳсат этилди"**

**"Ҳимоя учун ДАКга юборилди"**

Кафедра мудири:

\_\_\_\_\_ доц. И.Н. Қодиров  
(имзо)

Факультет декани:

\_\_\_\_\_ доц. А.И. Юсупов  
(имзо)

"\_\_\_\_\_ " \_\_\_\_\_ 2012 йил

"\_\_\_\_\_ " \_\_\_\_\_ 2012 йил

**ҚАРШИ – 2012 йил**

## **МУНДАРИЖА**

<b>Кириш.....</b>	<b>3</b>
<b>1. Асосий қисм.....</b>	<b>5</b>
<b>1.1. Паст потенциалли иссиқлик манбалари ва уларни иссиқлигидан фойдаланиш.....</b>	<b>5</b>
<b>1.2. Муборак иссиқлик электр маркази ОАЖ түғрисида маълумот.....</b>	<b>21</b>
<b>2. ИЭМда паст потенциалли иссиқлик чиқиндиларининг иссиқлигидан фойдаланиш.....</b>	<b>33</b>
<b>2.1. Турбина асосий конденсати трактида паст потенциалли иссиқлик ташувчилардан фойдаланиш.....</b>	<b>33</b>
<b>2.2. Тўғридан-тўғри иссиқлик алмашиниш йўли билан паст потенциалли иссиқлик чиқиндиларидан фойдаланиш.....</b>	<b>36</b>
<b>2.3. Иссиқлик тармоғига қўшимча сув тайёрлаш схемасида паст потенциалли иссиқлик ташувчилардан фойдаланиш.....</b>	<b>38</b>
<b>2.4. ИЭМда паст потенциалли иссиқлик чиқиндилари ва ташланмаларининг иссиқлигидан фойдаланиш.....</b>	<b>45</b>
<b>3. Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникиси.....</b>	<b>51</b>
<b>4. Экология қисми.....</b>	<b>56</b>
<b>5. Иқтисодий қисм.....</b>	<b>61</b>
<b>Хулоса.....</b>	<b>67</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар.....</b>	<b>68</b>

## **Кириш**

Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш масалаларига эътибор ҳозирги кунда айниқса, жаҳон-молиявий иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларидан сақланиш даврида долзарб масалага айланиб бормоқда. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ўз-ўзидан мамлакатимизда маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши жараёнида фойдаланиладиган барча турдаги ресурсларни оқилона ишлатишда асос бўлади.

Президентимиз Ислом каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устивор йўналишларга бағищланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъruzасида қайд этилган муҳим устивор вазифалардан бири ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ва уларни жадал янгилашдан иборат экани белгилаб берилди. Маъruzada 2011 йилда жалб этиладиган барча инвестицияларнинг 36,4 фоиздан ортиғи саноатни модернизация қилиш ва техноогик янгилаш дастурларини амалга оширишга йўналтириш кўзда тутилаётгани ҳамда замонавий асбоб-ускуналар харид қилиш ҳаражатлари умумий капитал қуйилмалар ҳажмининг камида 46 фоизини ташкил этаётгани қайд этилди. Шунингдек, Муборак нефтьни қайта ишлаш заводи ва “Шўртантнефть-газ” унитар корхонасида 400 минг тонна суюлтирилган газ ва газ конденсати ишлаб чиқарадиган қурилмаларни ўрнатиш ва бошқа шу каби муҳим лойиҳаларни амалга ошириш ҳам кўзда тутилди.

Ҳозирги кунда барча ишлаб турган саноат корхоналари, хусусан энергетика саноатида иккиламчи энергия манбаларидан фойдаланиш масалалари долзарб ҳисобланади. Иккиламчи энергия манбалари қатор саноат соҳаларининг 30-60% ва ундан кўпроқ улушини ташкил этади.

Иккиламчи энергия манбаларидан фойдаланиш ёқилғининг умумий сарфини камайтиради ва энергия истеъмоли кўламларини қисқартиради.

Иккинламчи энергия манбаларига кирувчи паст потенциалли иссиқликни утилизациялаш ҳозирги кунда долзарб масалардан бири ҳисобланади ва ушбу паст потенциалли иссиқликлар барча иккиламчи энергия манбаларининг деярли ярмини ташкил этади. Ушбу масаланинг долзарблиги йилдан-йилга ошиб бормоқда, шунингдек технологик жараёнлар такомиллаштирилмоқда ва ўз навбатида юқори потенциалли иссиқлик чиқиндилари камаймоқда. Бундан ташқари иккиламчи энергия манбаларини утилизациялаш атроф-муҳитни иссиқлик ва кимёвий ифлосликлардан химоялади.

Иссиқлик ва электр энергиясини ишлаб чиқарувчи иссиқлик электр марказларида ҳам паст потенциалли иссиқлик манбаларидан фойдаланиш подзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ҳозирда ана долзарб муаммоларни ҳал этиш учун анчагина илмий изланишлар, илмий янгиликлар, замонавий технологиялар яратилган.

Юқорида келтирилган муаммоларни ҳал этиш учун ушбу битирув малакавий ишида паст потенциалли иссиқлик манбаларини утилизациялаш ва улардан энергетика ва эҳтиёжлар мақсадида фойдаланишнинг технологик усуллари ва уларниг принципиал схемалари келтирилган. Битирвув малакавий ишида турбина асосий конденсати трактида паст потенциалли иссиқлик ташувчилардан фойдаланиш, тўғридан-тўғри иссиқлик алмашиниш йўли билан паст потенциалли иссиқлик чиқиндиларидан фойдаланиш, иссиқлик тармоғига қўшимча сув тайёрлаш схемасида паст потенциалли иссиқлик ташувчилардан фойдаланиш, ИЭМда паст потенциалли иссиқлик чиқиндилари ва ташланмаларининг фойдаланишнинг технологик схемалари келтирилган. Янги технологияларни қўллаш натижасида иссиқлик электр марказининг самарадорлиги ортиши, тежаб қолинадиган шартли ёқилғи миқдори иқтисодий асосланган.

## **1.1. Паст потенциалли иссиқлик манбалари ва уларни иссиқлигидан фойдаланиш.**

Энергетик хизмат кўрсатиш мақсадида бир ёки бошқа жараёнларда ишлатилган энергия ташувчилар иссиқлик чиқиндилирига айлантирилади ва улардан энергетик мақсадлар учун фойдаланилади. Бундай иссиқлик чиқиндилири иккиламчи энергия манбалари деб аталади. Иккиламчи энергия манбалари асосан саноат корхоналарида муҳим ҳисобланади.

Иккиламчи энергия манбалари қатор саноат соҳаларининг 30-60% ва ундан кўпроқ улушини ташкил этади. Иккиламчи энергия манбаларидан фойдаланиш ёқилғининг умумий сарфини камайтиради ва энергия истеъмоли кўламларини қисқартиради.

Иккиламчи энергия манбаларидан бошқа қурилмаларда фойдаланилганда ёки улар утилизацияланганда ёқилғи сарфи ёки технологик мосламадаги бошқа бутун энергия ташувчилар деярли ўзгармайди; бунда ёқилғи иқтисодига эришилади, энергетик қурилмалардаги ишлатиш ҳаражатлари камаяди, шунингдек иккиламчи энергия манбаларидан фойдаланиш ҳисобига қўшимча фойда олиш мумкин.

Бундан ташқари энергия манбаларини қуидаги усуслар билан тежаш мумкин: технологик жараёнларни ва қурилмаларни ишлаш режимини ташкил этишни яхшилаш йўли билан технологик қурилманинг фойдали иш коэффициентини ошириш, энергия манбаларининг сарфини камайтириш, иссиқлик изоляцияни яхшилаш, ёқилгини ёкиш жараёнларни мукаммалаштириш, регенератив, рекуператив ва оралиқ қиздиргичларни кўллаш ва ҳоказо. Ушбу тадбирларни кўллаш ушбу технологик қурилмада энергия манбаларининг сарфини камайишига олиб келади.

Таъкидланганидек, энергия манбаларини тежашнинг (ёпиқ энерготехнологик схема бўйича) бундай йўллари жуда юқори энергетик ва иқтисодий самарадорлиги билан тавсифланади. Шунинг учун иккиламчи энергия манбаларини қўллаш ҳисобига ёқилгини иқтисод қилиш масаласини

фақатгина иккиламчи энергия манбаларини камайтириш тадбирлари амалга оширилгандан кейингина күриб чиқилиши зарур.

Иккиламчи энергия манбалари қуидаги гурухларга (турларга) бўлинади:

1. Қайноқ иккиламчи энергия манбалари, ёқилғи манбалари иштирок этадиган технологик жараёнлар натижасида олинадиган барча турдаги ёқилғили иккиламчи маҳсулотлар ва чиқиндилардан иборат бўлади:

- қора металлургиядаги домна ва кокс газлари;
- каустик содани ишлаб чиқаришда – водород;
- Са ишлаб чиқаришда CO фракцияси;
- NH<sub>3</sub> ва метанол ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган газлар;
- фосфор ишлаб чиқаришда печ гази ва ҳок.

Ушбу қайноқ иккилами энергия манбаларнининг бир нечтасидан ишлаб чиқаришда материал манбалар сифатида фойдаланиш мумкин. Ушбу ҳолда уларни чиқаётган умумий қайноқ чиқиндилардан ажратиб олиш зарур.

2. Иссик иккиламчи энергия манбалари. Иссик иккиламчи энергия манбаларига технологик қурилмалардан чиқаётган газлар иссиқлиги, асосий ишлаб чиқаришнинг оралиқ маҳсулотлари ва чиқиндилари, технологик жиҳозлар ва қурилмаларни мажбурий совутиш тизмидаги ишчи жисм иссиқлиги, технологик ва куч қурилмаларда ишлатиб бўлинган қайноқ сув ва буғ иссиқлиги.

Шунингдек иссиқ иккиламчи энергия манбаларига технологик ва энерготехнологик қурилмаларда барча ишлаб чиқарилган иссиқликни (буғ ва иссиқ сув шаклида) киритиш мумкин. Улардан ўша технологик жараёнда ёки бошқа жараёнларни энергия таъминоти учун фойдаланиш мумкин.

Иккиламчи ва ишлатиб бўлинган иккиламчи сув буғини мустақил кичик гурухларга ажратиш мумкин ва улардан иссиқ иккиламчи энергия манбалари ва ортиқча босимли иккиламчи энергия манбалари сифатида фойдаланиш мумкин.

3. Ортиқча босимли иккиламчи энергия манбалари. Уларга технологик қурилмаларни ортиқча босим остида тарк этувчи газлар ва суюқликларнинг потенциал энергиясини киритиш мумкин ва улардан кейинроқ самарали фойдаланиш мумкин.

Турли хил шаклдаги иккиламчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг асосий йўналишларини қуидагиларга ажаратиш мумкин:

ёқилғили, бунда қайноқ иккиламси энергия манбаларини (ИЭМ) қозонпеч ёқилғиси сифатида бевосита фойдаланиш;

иссиқ, бевосита ИЭМ лари сифатида ёки ИЭМ ларни утилизациялаш қурилмаларида ишлаб чиқарилган иссиқлик истеъмолчиларидан фойдаланиш (шунингдек, иссиқликни утилизациялаш ҳисобига абсорбцион совутиш қурилмасида ишлаб чиқарилган совуқликни ҳам киритиш мумкин);

кучли, ортиқча босимли ИЭМларини турбиналарда ишчи машиналарни (компрессорлар, насослар, ҳаво пуркагичлар ва ҳоказо) юритиш учун ёки электр энергияси ишлаб чиқариш учун фойдаланиш;

уйғулашган, теплофикацион цикл бўйича утилизацияловчи қурилмаларда иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқариш учун ИЭМларидан комплекс фойдаланиш.

Вақт бирлиги ичida технологик мосламада амалга оширилган жараёнда ҳосил бўлган ИЭМларининг миқдорини “ИЭМнинг чиқиши” деб белгилаш қабул қилинган, утилизацияловчи қурилмаларда ИЭМларидан фойдаланиш ҳисобига олинган иссиқлик миқдорини (совуқлик, электр энергияси ва механик иш) “ИЭМлари ҳисобига ишлаб чиқариш” деб белгилаш қабул қилинган. Ишлаб чиқаришнинг имкониятли, иқтисодий маъқул, режалаштирилган ва ҳақиқийларга ажратиш мумкин.

Имкониятли ишлаб чиқариш – ИЭМларининг ҳисобига олиш мумкин бўлган максимал иссиқлик миқдори.

Иқтисодий маъқул ишлаб чиқариш – иқтисодий ҳисоблар билан тасдиқланган утилизацияловчи қурилмада (кўрилаётган давр мобайнида)

олиниши мумкин бўлган максимал иссиқлик миқдори. Лойиҳаланаётган қурилма учун иқтисодий маъқул ишлаб чиқаришни қўллаш, иссиқлик миқдорини олиш ва фойдаланишда энг яхши иқтисодий самара беради. Шунингдек утилизацияловчи қурилманинг параметрлари энг яхши самардорлик шароитидан танланади, яъни ушбу қурилмада ишлаб чиқарилган иссиқлик иқтисодий мақсадга мувофиқ бўлади.

Режалаштирилган ишлаб чиқариш – ишлаб чиқариш ривожаланишини режалаштириш амалга оширилганда янги утилизацион қурилмаларни қўллаш, амалдагиларини модернизациялаш ва эскирганларини чиқариб танлаш натижасида ишлаб чиқарилган иссиқлик миқдори.

Ҳақиқий ишлаб чиқариш – белгиланган давр ичida ҳаракатдаги утилизацион қурилмаларда ҳақиқий олинган иссиқлик миқдори.

Ҳақиқий ишлаб чиқаришни имкониятли ишлаб чиқаришга нисбати ИЭМ хисобига ишлаб чиқариш коэффиценти деб аталади.

Утилизацион қурилмада ИЭМ хисобга ишлаб чиқарилган энергия миқдори, шунингдек бевосита ИЭМ шаклида олинган ёқилғи ва иссиқликни ИЭМдан фойдаланиш деб аташ мумкин.

ИЭМдан фойдаланиш ҳисобига тежалиши мумкин бўлган бирламчи ёқилғи миқдорини ИЭМ хисобига ёқилғи тежалиши деб аталади.

ИЭМ хисобига ёқилғининг ҳақиқий тежалишини иқтисодлий маъқулга нисбатини ИЭМни утилизациялаш коэффициенти деб аташ мумкин.

### **Паст потенциалли иссиқлик чиқиндилари.**

Паст потенциалли иссиқликни утилизациялаш ҳозирги кунда долзарб масалардан бири ҳисобланади ва ушбу паст потенциалли иссиқликлар барча иккиламчи энергия манбаларининг деярли ярмини ташкил этади. Ушбу масаланинг долзарблиги йилдан-йилга ошиб бормоқда, шунингдек технологик жараёнлар такомиллаштирилмоқда ва ўз навбатида юқори потенциалли иссиқлик чиқиндилари камаймоқда. Бундан ташқари

ИЭМларини утилизациялаш атроф-муҳитни иссиқлик ва кимёвий ифлосликлардан химоялайди.

Яқин кунларгача паст потенциалли ( $50\text{-}120^{\circ}\text{C}$ ) иссиқлик чиқиндиларидан фойдаланиш имконияти кам эди. Бунинг учун анчагина сабаблари бор эди: биринчидан, “паст сифатли” иссиқлик истеъмолчилари деярли йўқ эди, иккинчидан уларни утилизациялаш учун ҳеч қандай қурилмалар мавжуд эмас эди. Шунинг учун бундай иссиқлик атроф-муҳитга айланма сув таъминоти тизими билан биргаликда чиқариб юборилар эди. Бунда биринчи томондан анчагина иссиқлик миқдори ташлаб юборилар эди, иккинчи томондан механизм ва мосламаларни совутиш учун энергия ва сувдан мақсадсиз фойдаланилар эди.

Паст потенциалли ИЭМлари одатда коррозион-фаол, ифлосланган ва чанглангна суюқлик ва газлардан иборат бўлади, уларнинг иссиқлигидан стандарт иссиқлик алмашинуви қурилмаларидан фойдаланиш имконияти йўқ. Шунинг учун истеъмолчиларни асосий технологик линиядан излаш лозим. Бунинг учун энергия истеъмолчиларининг барча бўлимларини яхшилаб ўрганиб чиқиш зарур. Агар истеъмолчилар асосий линияда бўлмаса, у ҳолда ёрдамчи мақсадлар учун паст потенциалли иссиқликдан фойдаланиш имкониятларини излаш зарур: саноат корхоналарнинг иситиш ва иссиқ сув таъминоти тизимлари, оқава сувлари ва конденсатни тозалаш, оқавалардан, чучуклантиришда, совуқлик ишлаб чиқаришда, деаэрациялашда, таъминот сувини тузсизлантиришда ва ҳоказо жараёнларда зарур моддаларни ажратиб олиш. Сўнггида ушбу корхонанинг ўзида ҳеч қандай истеъмолчилар бўлмаса, у ҳолда истеъмолчиларни бошқа томондан излаш зарур: аҳоли яшаш жойларида иситиш ва иссиқ сув таъминоти тизими, иссиқхона ва парник ҳўжаликларини иситиш, электр энергиясини ишлаб чиқариш ва уни шаҳар тармоғига узатиш, майшмий эҳтиёжлар учун дengiz сувини чучуклантириш ва ҳоказо.

Шундай қилиб, паст потенциалли ИЭМларидан фойдаланиш иккита масалани ечиш билан боғлиқ экан: иссиқлик таъминотини ишончли ва самарадор тизимини ишлаб чиқиш; ишончли утилизацион қурилмани яратиш. Мамлакатимизнинг ва чет элнинг кичик тажрибаларига асосланган ҳолда паст потенциалли ИЭМларининг асосий турларига қўйидагиларни киритиш мумкин: чиқиб кетувчи тутун газлари, ташлаб юборилаётган сувлар, конденсатлар ва буғлар ва ҳоказо. Қўйида паст потенциалли иссиқликни утилизациялаш учун асосий техник воситалар санаб ўтилган:

ифлосланган қайноқ оқаваларнинг иссиқлигидан фойдаланиш учун бир зумда буғлатувчили қўп поғонали қурилмаларни қўллаш;

тажовузкор суюқликлар иссиқлигидан фойдаланиш учун “иссиқлик қувурлари” туридаги қўп поғонали қурилмаларни қўллаш;

буғ-газли оқимларнинг иссиқлигидан фойдаланиш учун турли хил насадкали контактли қурилмалар;

абсорбцион совутиш қурилмалари;

сув-фреон цикли бўйича ишловчи қурилмалари;

тутун газаларини утилизациялаш учун скрубберли қурилмалари;

оқава сувларни концентрациялаш мақсадида ифлосланган газларнинг иссиқлигидан фойдаланиш учун айланувчан элементли буғлантириш қурилмалари;

совуқлик ишлаб чиқариш ва иссиқлик таъминоти учун иссиқлик насослари (буғ қоимли, абсорбцион ва компрессорли);

рециркуляциялаш схемасида буғ-ҳаво аралашмаларининг иссиқлигиан фойдаланиш учун рекуператив қурилмалар;

регенератив айланувчан иссиқлик алмашинуви қурилмалари, пластинали рекуператив иссиқлик алмашинуви қурилмалари, шамоллатишдаги чиқиндиларнинг иссиқлигидан фойдаланиш учун иссиқлик қувурли ва оралиқ иссиқлик ташувчили иссиқлик алмашинуви қурилмалари.

## **Ишлатиб бўлинган буғнинг иссиқлигини утилизациялаш.**


ИЭМларининг асосий захирасини турли технологик қурилмалар ва мосламаларда (насослар, компрессорлар, автоклавлар, буғлантириш қурилмалари, буғли пресслар, қуритиш қурилмалари ва ҳоказо) ишлатиб бўлинган буғнинг иссиқлиги эгаллайди. Аксарият ҳолларда ишлатиб бўлинган буғ паст босимга эга бўлиб, кимёвий ва механик аралашмалар билан ифлосланган бўлади, ишлаб чиқариш қурилмаларининг ўзгарувчан юкламаларида буғнин узлукли оқимлари ҳосил бўлади.

Ишлатиб бўлинган буғни тозалашдан ўтказилгандан сўнг унинг иссиқлигини утилизациялашнинг энг содда усули – иситиш, майший ва бошқа шунга ўхшашиб эхтиёжларда фойдаланиш мумкин. Ишлатиб бўлинган буғ осон технологик масалаларни ечишда ҳам ишлатилиши мумкин: дастлабки ва сув тайёрлаш тизимида кимёвий тозаланган сувни қиздириш, технологик мосламаларни қиздириш, деаэрацилаш ва ҳоказо. Ишлатиб бўлинган буғдан бундай фойдаланишда капитал ҳаражатлар кичик бўлиб, ишлатилиш ҳаражатлари ҳам кичик, иссиқликдан фойдаланиш самардорлиги эса анча юқори. Ишлатиб бўлинган буғнинг иссиқлигидан фойдаланиш даражаси фақатгина чиқиб кетаётган конденсатнинг ҳароратига боғлиқ бўлиб, одатда у 85% ни ташкил этади, баъзи ҳолларда эса 100% гача этади.

Баъзи ишларда ишлатиб бўлинган буғдан фойдаланишнинг учта асосий йўналиши келтирилган: иссиқлик таъминоти учун (1.1-расм); электр энергияси ишлаб чиқариш учун (1.2-расм); иссиқлик таъминоти ва электр энергияси ишлаб чиқариш учун (уйғулашган схема) (1.3-расм). Барча схемаларда ишлаб чиқарилётган қурилмаларда буғ истеъмолининг кўп тебранишини хисобга олган ҳолда ўткир буғ линиясига буғ сувли аккумулятор ўрнатилган, истеъмолчининг иссиқлик юклamasи учун иссиқлик аккумуляторлари қўлланилган.


Кўпгина маҳсулотларни ишлаб чиқаришда улар буғлантириш қурилмаларида концентрациялаш босқичидан ўтказилади. Бунда ишлатиб

бўлинган буғнинг асосий қисмини босими атмосфера босимидан кичик бўлади ва унинг иссиқлигидан бевосита технологик мосламаларда фойдаланиб бўлмайди ва улар совутиш учун градиняга юборилади. Ишлатиб бўлинган буғ билан сарфланаётган иссиқлик сарфи амалда буғлантириш қурилмасига узатилаётган юқори потенциалли иссиқлик сарфига тенг бўлади.




1.1-расм. Ишлатиб бўлинган буғдан иссиқлик таъминоти учун  
фойдаланишнинг принципиал схемаси.

1-ишлаб чиқарувчи мослама; 2-буғ тозалагич; 3-иссиқлик истеъмолчиши; 4,5-  
иссиқлик аккумуляторлари.



1.2-расм. Ишлатиб бўлинган буғдан электр энергияси ишлаб чиқариш учун  
фойдаланиш.


1-ишлаб чиқариш мосламаси; 2-буғ тозалагич; 3-юмшоқ буғ турбинаси; 4-күшалоқ босимли турбина; 5-иссиқлик аккумуляторлари; 6-буғ генератор; 7-теплофикацион турбина; 8-конденсатор.



1.3-расм. Электр энергияси ишлаб чиқариш ва иссиқлик таъминоти учун иссиқликни утилизациялаш қурилмасининг схемаси.

1-буғ генератори; 2-оралиқ буғ қиздиргич; 3-ишлаб чиқариш мосламаси; 4-буғ тозалагич; 5-иссиқлик аккумулятори; 6-иссиқлик истеъмолчилари; 7-иссиқлик алмашинуви қурилмаси; 8-таъминот суви баки; 9-конденсатор; 10-күшалоқ босимли турбина.

1.4-расмда аммиак ишлаб чиқаришда турбина чиқинди буғининг иссиқлигидан фойдаланиб тиндирилган сувни қиздиришнинг принципиал схемаси кўрсатилган. Ишлатиб бўлинган буғ турбина 1 дан чиқиб конденсат қиздиргич 2 га ва ҳаволи совутиш қурилмалари 3 га киритилади. Конденсаторда тиндирилган сув 2-22 дан  $30^{\circ}\text{C}$  гача қиздирилади, ҳаволи совутиш мосламаларида эса ортиқча буғ конденсацияланади.



1.4-расм. Турбина чиқинди буғининг иссиқлигидан фойдаланиб тиндирилган сувни қиздиришнинг принципиал схемаси.

1-турбина; 2-конденсаторлар; 3-ҳаволи совутиш мосламалари.

### **Паст потенциалли тутун газларини утилизациялаш.**

Барча саноат корхоналари паст потенциалли чиқинди газлар шаклидаги каттагина иссиқлик заҳирасига эга. Ушбу иссиқликтан фойдаланиш иккита асосий сабаб бўйича қийин техник масала ҳисобланади: биринчидан, газнинг бошланғич ҳарорати билан газлар ҳароратларининг ва қизиётган муҳтининг орасидаги ҳароратларининг фарқини кичиклиги, газ томонидан иссиқлик бериш коэффициентинининг кичиклиги натижасида иссиқлик алмашинуви қурилмасининг иссиқлик узатиш юзасининг катталиги ва натижада қурилманинг қимматлиги; иккинчидан, газ таркибидаги олtingугурт микдорини кўплиги металларни жадал коррозияга учрашига олиб келади.


Ҳозирги вақтда паст потенциалли газларнинг иссиқлигини иқтисодий утилизациялашнинг бир нечта схемасилари ва қурилмалари ишлаб чиқилган.

1.5-расмда паст потенциалли газларнинг иссиқлигини олиш учун қурилмаларнинг принципиал схемаси келтирилган. Схемада нормал қайнаш ҳарорати  $100^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлган оралиқ иссиқлик ташувчи, масалан кальций хлориднинг сувли эритмаси қўлланилади. Кальций хлоридни 50-

55%ли концентрациялашда ва босим 1 МПа бўлганда қайнаш ҳарорати 135-140<sup>0</sup>C ни ташкил этади.

Таркибида механик аралашмалари мавжуд бўлган иссиқ газ скруббер 1 га киритилади, у орқали насос 2 ёрдамида кальций хлориднинг концентрацияланган эритмаси циркуляцияланади. Скрубберда қаттиқ заррачалар эритма билан ушлаб қолинади, сўнгра фильтр 3 да ажратилади ва қурилмадан чиқариб юборилади. Скруббердан ўтиб кетаётган газ совутилмайди, шунингдек эритманинг ҳарорати юқори бўлади. Тозаланган иссиқ газ скруббер 4 га киритилади. Скрубберда қиздирилган эритма насос 5 ёрдамида иссиқлик алмашинуви қурилмаси 6 га узатилади, у ерда буғлантириш қурилмасига киритилаётган совук оқава сув қиздирилади. Совутилган эритма қиздирилиши учун қайтадан скруббер 4 га киритилади.

Кўриб чиқилган схеманинг афзаллиги шундаки, газ трактида босимнинг йўқотилиши минимал, намакоб ва оқава сув ўртасида иссиқлик узатиш иссиқлик бериш коэффициентининг юқори қийматларида амалга оширилади (суюқликларнинг турбулент ҳаракати ҳисобига). Бунда иссиқлик алмашинуви қурилмасининг иссиқлик узатиш юзаси кичик, шунинг учун у коррозияга бардошли материалдан тайёрланиши мумкин. Тизимнинг камчилиги эритманинг доимий концентрациясини таъминлаб туриш учун бир қанча микдорда сув қўшиб туриш лозим.




1.5-расм. Паст потенциалли газлар иссиқлигини оралиқ иссиқлик ташувчи билан олиб қолишининг принципиал схемаси.

1-юувчи скруббек; 2,5-насослар; 3-фильтр; 4-совитувчи скруббер; 6-иссиқлик алмашинуви қурилмаси.

Украина ФА сининг техник иссиқлик физикаси институти томонидан оқава сувларни газлар ёрдамида қиздириб концентрациялаш учун ротор-пленкали мосламани яратиди. Суюқлик мосламада пленка сифатида ҳаракат қиласи ва айланувчи дискларнинг юзасини қоплади, газлар оқими эса айланиш ўқига перпендикуляр йўналган. Ушбу қурилмаларда суюқликларни кераклича концентрациялаш мумкин.

Айрим ҳолларда корхоналарда технологик жараёнлар амалга ошириш учун ёки иситиш тизими учун 50-70<sup>0</sup>C ҳароратли иссиқ сув керак бўлади, ушбу корхонанинг ўзида қозонхонадан, қуритиш қурилмасидан, печлардан, реакторлардан чиқиб кетаётган тоза чиқинди газлар мавжуд, ушбу ҳолда сувни контакли-конвектив экономайзерларда қиздириш мақсадга мувофиқдир (1.6-расм).



1.6-расм. Контакли экономайзернинг умумий кўриниши.  
1-корпус; 2-тақсимловчи коллектор; 3-қалпоқли газсизлантиргич; 4,5-керамик Рошиг ҳалқаси шаклидаги насадкалар.

1.7-расм. Актив насадкали контактилар иессиқлик алмашинуви қурилмаси.  
1-корпус; 2-суғориш тизими; 3-актив насадка; 4-сепаратор қурилмаси; 5-  
суғориш тизими насоси.

Энергетика қозонлар ва саноат печларидан чиқиб кетаётган газларнинг иессиқлигидан жуда самарали фойдаланиш муаммосини улардан кейин актив насадкали контактли иессиқлик алмашинуви қурилмаларини ўрнатиш билан ҳал этиш мумкин. Газлаштирилган қозонхоналарда актив насадкали контактли иессиқлик алмашинуви қурилмаларини қўллаш табиий газдан фойдаланиш самарадорлигини 8-12% га оширади.

Паст потенциалли чиқиб кетувчи газларнинг иессиқлигини утилизациялаш учун ўрнатилган актив насадкали контактли иессиқлик алмашинуви қурилмаларининг унумдорлиги 5,8-17,4 МВт (5-15 Гкал/соат) ни ташкил этади.

Актив насадкали контактли иессиқлик алмашинуви қурилмаларининг ўзига хослиги қуйидагича (1.7-расм). Агар контактли қурилманинг ичидаги иккита мустақил сув оқими ҳосил қилинса, яъни иессиқлик алмашинуви юзаси орқали қизиётган тоза сув ва чиқиб кетаётган тутун газлари билан бевосита тўқнашув натижасида қизиётган сув бўлса, у ҳолда бундай схемада иессиқликни утилизациялашни чеклови бўлмайди. Бунда тоза сув оқими юза, яъни суғорувчи сув ва тутун газлари контакт юзасини оширишни амалга оширувчи насадка вазифасини бажарувчи юза билан ажратилади. Бир вақтнинг ўзида ушбу юза иессиқлик алмашинуvida ҳам иштирок этади.

Актив насадкали контактли иессиқлик алмашинуви қурилмасида актив насадканинг ташқи юзаси тутун газлари ва суғорувчи сув билан ювилади. Тутун газларининг иессиқлиги актив насадка ичидан оқиб ўтаётган сувга иккиси усул билан узатилади: иессиқликни суғорувчи сув билан насадкага бевосита узатилиши ва тутун газлари таркибидаги сув буғларининг конденсацияланиши натижасида қувурлар тўпламишиниг юзасига

иссиқликни узатилиши. Бундан ташқари, тутун газларининг тезлигини ошириш мумкин. Ушбу омиллар таъсири натижасида иссиқлик ва масса алмашинуви жадаллашади, бу эса мослама ташқи ўлчамларини кичрайишига олиб келади. Бунда қиздирилган сувнинг сифати чиқиб кетаётган тутун газларининг таркибиға боғлиқ бўлмайди, сугорувчи сув эса чиқи кетаётган газларни аралашмалардан тозалайди, ушбу газларни яна технологик жараёнга қайтариш мумкин [53].

Шундай қилиб, актив насадкали контактли иссиқлик алмашинуви қурилмаларининг асосий хусусиятлари қўйдагилардан иборат, ҳар қандай таркибли чиқиб кетаётган газларни иссиқлигини утилизациялар ва бир вақтнинг ўзида газларни тозалаш мумкин. Актив насадкали контактли иссиқлик алмашинуви қурилмаларида табиий газнинг ёниш маҳсулотларини иссиқлигини утилизациялаш техник қийинчиликларни туғдирмайди, аммо мазутнинг ёниш маҳсулотларини ёки печлардан чиқиб кетаётган технологик газларни иссиқлигини утилизациялашда сугорувчи сувни қўшимча нейтраллаш талаб этилади, улар олтингугурт, азот оксиди билан туйинтирилади ва турли хил кислоталар ҳосил қилинади. Бунда ушбу кислоталарнинг концентрацияси рухсат этилган чегаралардан ошиб кетмаслиги керак.


Актив насадкали контактли иссиқлик алмашинуви қурилмаларида қиздирилаётган сувнинг насадкадан чиқищдаги ҳарорати тутун газларининг нам термометрлари билан чегараланади. Табиий газни ортиқча ҳаво коэффициенти 1,0-1,5 бўлганда ёққанда тутун газларининг нам термометрининг ҳарорати  $55-65^{\circ}\text{C}$  ни ташкил этади. Шунинг учун сувнинг актив насадкадан чиқищдаги ҳарорати  $50^{\circ}\text{C}$  дан ошмаслиги керак. Тутун газларининг актив насадкали контактли иссиқлик алмашинуви қурилмасидан чиқищдаги ҳарорати насадканинг пастки қатламига киритилаётган совук сувнинг ҳароратидан  $8-10^{\circ}\text{C}$  га ортиқ бўлиши керак.

Насадкадан ўтган тутун газлари сепараторга келиб тушади, у ерда улардан сув томчилари ажратиб олинади. Сепарацион қурилмасидан сўнг нам тутун газларига 7-10% иссиқ газларни аралаштириш йўли билан қуритилади. Қуритилган газлар тутун сўргич ёрдамида тутун қувури орқали атмосферага чиқариб юборилади.

Актив насадкали контакти иссиқлик алмашинуви қурилмаларини қўллашдаги иқтисодий самарадорлиги ушбу қурилмаларда қиздирилган сувга истеъмолчиларнинг мавжуд бўлишига боғлиқ. Актив насадкали контактли иссиқлик алмашинуви қурилмаларида олинган иссиқликдан тўлиқ фойдаланилганда ёқилғи иқтисоди, масалан қозонхонада 10-15% ни ташкил этади.

Паст потенциалли тутун газларининг иссиқлик энергиясидан қозонхонанининг иссиқ сув таъминоти ва сувни қиздириш эҳтиёжлари учун қўллаш мақсадида қозонлардан биридан кейин контактли экономайзерли иссиқликни утилизацияловчи қурилма ўрнатилган (1.8-расм).

Қурилма қуйидаги тартибда ишлайди. Қозон 1 дан чиқиб кетаётган газлар экономайзер 4 нинг қуи зонасига киритилади, насадка қатлами орқали ўтади ва тутун қувури орқали чиқариб юборилади. Қиздириладиган сув оқим шаклида насадка қатламидан ўтади ва остаттага тушади, у ерда оралиқ бак 6 га қуюлади, сўнгра циркуляцион насос 7 ёрдамида сув-сувли иссиқлик алмашинуви қурилмаси 8 га юборилади, кейин совутилган сув сугоргич орқали экономайзерга келиб тушади. Сув узатиш қувуридан келтирилаётган совуқ сув иссиқлик алашинуви қурилмаси 8 га юборилади, у ерда қиздирилади ва иссиқ сув баки 11 га қуюлади. У ердан қиздирилган сув насос 12 ёрдамида душхона 13 га юборилади.



1.8-расм. Контактли экономайзер туридаги иссиқликни утилизацияловчи қурилма.

1-қозон; 2,3-клапанлар (заслонка); 4-экономайзер; 5-вентилятор; 6-бак; 7-насос; 8-иссиқлик алмашинуви қурилмаси; 9-буғ сувли бойлер; 10-ростловчи клапан; 11-иссиқ сув учун бак; 12-насос; 13-душхона.

Тажрибалар шуни кўрсатдики, контактли экономайзердан фойдаланилганда қозоннинг ФИК 82% дан 93% гача ошди. Ушбу қурилманинг ҳам камчилиги мавжуд. Ушбу қурилмаларни ишлатишда қувурларда қизиётган сувнинг тезлиги жуда кичик ( $0,05\ldots0,09$  м/с) ва қувурларарабо бўшлиқда ҳам ( $0,01\ldots0,014$  м/с) ни ташкил этади.

Келтирилган камчиликларга боғлиқ ҳолда иссиқликни утилизацияловчи қурилма секцияли сув-сувли иссиқлик алмашинуви қурилмаси билан жиҳозланиши керак, унинг характеристикалари қуидагича: секция қувурининг диаметри 57/50 мм, узунлиги 4 м, секциянинг қиздириш юзаси майдони  $0,75\text{m}^2$ , секциялар сони 7 та.

Янги схемага мувофиқ сув-сувли иссиқлик алмашинуви қурилмаси 8 да ва буғ сувли 9 да сув узатиш қувуридан келтирилаётган сувни икки поғонали қиздириш келтирилган.

Модернизацияланган схемани синашда қуидагилар маълум бўлди, яъни сув-сувли иссиқлик алмашинуви қурилмасида 2,4 м/соат миқдордаги водопровод суви 44...45<sup>0</sup>C гача қиздирилганда қурилманинг ФИК и 95% ни ташкил этди. Сувни янада юқори ҳароратгача (50...60<sup>0</sup>C) қиздириш буғ сувли бойлерда амалга оширилади. Бойлерга келтирилаётган бугни ўзгартириш ростловчи клапан 10 ёрдамида амалга оширилади. Ишлаб чиқариш душхоналари учун сувнинг меъёрий ҳарорати 37<sup>0</sup>C ни ташкил этиши лозим, ушбу ҳароратдаги сувни сув-сувли иссиқлик алмашинуви қурилмасининг ўзидагина олиш мумкин. Агар жуда ҳам иссиқ сув талаб этилса, у ҳолда сув-сувли иссиқлик алмашинуви қурилмасидан кейин буғ сувли бойлер ўрнатилиши керак.

## **1.2. Муборак иссиқлик электр маркази ОАЖ тўғрисида маълумот.**

«Муборак Иссиқлик Электр Маркази» Очиқ Акциядорлик Жамияти 1985 йилда ишга туширилган бўлиб, Кашкадарё вилояти Муборак тумани жануби-шарқининг 12- км да Қарши-Бухоро транспорт йўли ёқасида «Муборак Газни Қайта Ишлаш Заводи» унитар шуъба корхонаси ҳудудига ёнма-ён жойлашган. Бош режа кўрсаткичи бўйича корхона ҳудуди майдони 32,85 га.

Шундан:

- Худуд майдони 25,45 га
- Саноат қурилиш майдони 7,4 га.

Корхона ҳудуд иқлим шароити қуруқ ҳисобланиб, ҳаво ҳарорати қишда ҳам ёзда ҳам тез ўзгарувчан. Абсолют максимум ҳарорат +50 °C, абсолют минимум ҳарорат -23°Сни ташкил этади.

Йиллик ёғингарчилик миқдори 168мм. Энг намгарчилик юқори бўлган вақт май-сентябр.

Ер қатламининг музлаш чукурлиги 0,8 м.

Қурилиш ҳудуди сейсмик ҳолати 8 балл.

Станциянинг лойиҳавий қуввати электр энергия и/ч бўйича 120 МВт

Станциянинг лойиҳавий қуввати иссиқлик энергия и/ч бўйича 1500 т/соат

- Корхонада 6 та цех мавжуд булар: КТЦ; ЭЦ; ХЦ; ЦТАИ; ЦЦР; АГ

Қозон турбина цехининг асосий вазифаси, – Қозон агрегатларида юқори босимли буғ ишлаб чиқариш ва ушбу буғ ёрдамида турбогенераторни ҳаракатга келтириб электр энергия ишлаб чиқариш. Турбогенераторда ишлаб чиқсан иссиқлик энергиясини МГҚИЗ билан тузилган шартномадаги параметрлар асосида етказиб беришда қўйида кўрсатилган асосий ва ёрдамчи ускунларни иқтисодли, ишончли,

Қозон агрегати ТГМЕ-464 маркали, П шаклдаги компановкали, газ ёки мазут ёқиш йўли билан юқори босимли буғ олиш учун мўлжалланган.

#### Буғ қозонининг асосий ҳарактерискалари.

(1.1жадвал)

№	Номланиши	Ўлчов бирлиги	Катталиклар таркиби
	ФИК	%	94,58
1	И/Ч унумдорлиги	Т/соат	500
2	Барабандаги босим	Кгс/см <sup>2</sup>	162
3	Буғ қиздиргичдан чиқишдаги буғнинг босими	Кгс/см <sup>2</sup>	140
4	Ўта қиздирилгин буғнинг ҳарорати	°C	560
5	Таъминот сувининг ҳарорати	°C	230
6	Ёқилғи		Газ
7	Ёниш камерасининг иссиқлик кучланиши	Н кал М <sup>3</sup> .соат	198000
8	Горелкалар сони	Дона	8
9	Горелкаларнинг и/ч унумдорлиги	М <sup>3</sup> /соат	4500

10	Чиқиб кетувчи газнинг харорати	°C	137
Юза қиздириш майдони			
11	Экран	M <sup>2</sup>	870
12	Буғни қайта қиздиргич	M <sub>2</sub>	5887
13	Сув экономайзери	M <sup>2</sup>	4145
14	Регенератив ҳаво қиздиргич шундан совуқ қатлами	M <sup>2</sup>	34440
		M <sup>2</sup>	9760
Қозон агрегатининг ҳажми:			
15	Сув бўйича	M <sup>3</sup>	86
16	Буғ бўйича	M <sup>3</sup>	95
17	Таъминот суви бўйича	M <sup>3</sup>	4,5
18	Ёниш камераси	M <sup>3</sup>	1610
Қозон агрегатининг ёрдамчи жиҳозлари			
ДОД –28,5-ГМ тутун сўргичи			
1	И/ч унумдорлиги	M <sup>3</sup> /соат	585/680
2	Тўлиқ ҳайдаши	Kgs/m <sup>2</sup>	384/523
3	Тутун газларини максимал харорати	°C	200
4	Электр двигателини қуввати	KВт	1600
5	Айланишлар сони	Об/мин	597 (cosφ=0,82)
6	Ишчи колесо диаметри	Mм	2870
ДГ-20-500 тутун газларини рециркуляцияловчи тутун сўргичи			
7	И/ч унумдорлиги	M <sup>3</sup> /соат	200x103
8	Тўлиқ ҳайдаши	Kgs/m <sup>2</sup>	490
9	Тутун газларини максимал харорати	°C	+400
10	Электр двигателини қуввати	KВт	630
11	Максимал айланишлар сони	Об/мин	1000

12	ФИК	Мм	68
ВДН-25х2 – Икки томонлама сўрувчи марказдан қочма вентилятор			
1	И/ч унумдорлиги	М <sup>3</sup> /соат	575000М <sup>3</sup> /соат
T=30 °C; n=980 айл/мин; Н=740 кгк/см <sup>2</sup> ; N <sub>ист.</sub> =1400 кВт.			
2	Вентиляторга киришдаги ҳавонинг максимал ҳарорати	°C	+100
3	Ишчи ғилдирак диаметри	Мм	2500
4	Максимал айланишлар сони	Об/мин	1000
5	Алоҳида боғламларнинг максимал оғирлиги	Кг	11900
6	Подшипникларнинг рухсат этилган максимал ҳарорати	°C	+70
7	ДАЗО-2-18-59-6/8У1 туридаги икки тезликли электродвигател 1 – тезлик	Об/мин	745
	2 – тезлик	Об/мин	980
8	Электр двигателининг қуввати	кВт	685/1600
9	ФИК	%	87,5
РВП-88 регенератив қиздиргичи			
1	Роторнинг диаметр	Мм	9864
2	Гупчак (ступица) диаметр	Мм	1200
3	Бошланғич айланма диаметр	Мм	10170
4	Роторнинг умумий баландлиги	Мм	3400
5	Роторнинг (сектор) бўлмалари сони	Шт	22
6	Роторнинг газ ўтиши мўлжалланган бўлмалари сони	Шт	11
7	Роторнинг ҳаво ўтиши	Шт	11

	мўлжалланган бўлмалари сони		
	Совуқ ўрам:		
A	Қатламлар сони	Шт	1
B	Қатламнинг ишчи баландлиги	Мм	600
V	Ўрам массаси	Кг	76077
	Қайноқ ўрам:		
A	Қатламлар сони	Шт	2
B	Биринчи қатлам	Шт	1
V	Иккинчи қатлам	Шт	1
Г	Ишчи баландлик	Мм	1200
Д	Ўрам оғирлиги	Кг	165011
Электродвигател узатмалари			
А) Асосий – ВАО-82-у1			
1	Қуввати	кВт	30
2	Айланишлар сони	Об/мин	750
3	Кучланиш	В	380/220
Б) Захирадаги – АО-2-82-1			
1	Қуввати	кВт	55

### Қозон қурилмаси

Қозон агрегати юқори босимли буғ ишлаб чиқариш учун мўлжалланган бўлиб, II шаклдаги конструкцияга эга. Ёниш камерасига буғлантириш экранлари, радиацион буғ қиздиргичлар ўрнатилган, юқори қисмида эса бир қатор ширма буғ қиздиргичлари жойлашган. Газ йўлида горизонтал ҳолатда конвектив буғ қиздиргичларнинг 1,2,3 босқичлари жойлашган. Ёниш камерасининг юқори қисми потолок буғ қиздиргич трубалари билан ёпилган. Газ йўлининг пастки қисмида экономайзер ҳамда конвектив шахтадан кейин регенератив буғ қиздиргич жойлашган.

Қозон агрегатининг техник характеристикаси қуйидагича:

- Маркаси - ТГМЕ - 464 (Е-500)
- Ишлаб чиқарыш унумдорлиги - 500 т/соат
- Барабандаги босим - 162 кгс/см<sup>2</sup>
- Буғ қиздиргичлардан чиққан буғ босими – 140 кгс/см<sup>2</sup>
- Қизиган буғ ҳарорати – 560 °C
- Таъминот суви ҳарорати (ЮБҚ (ПВД) дан сўнг) – 230 °C .
- Ёқилғи – табиий газ.
- Горелкалар сони – 8 дона
- Чиқиб кетаётган газ ҳарорати 137°C

### **Юза қиздириш майдонлари:**

- Экран – 870 м<sup>2</sup>
  - Буғ қиздиргичлар – 5887 м<sup>2</sup>
  - Экономайзер - 4145 м<sup>2</sup>
  - Регенератив ҳаво қиздиргич - 34440 м<sup>2</sup>
- шундан совуқ қатлами - 9760 м<sup>2</sup>

### **Қозон агрегати ҳажми:**

- Сув - 86 м<sup>3</sup>
- Буғ-96м<sup>3</sup>
- Таъминот суви - 4,5 м<sup>3</sup>
- Ёниш камераси —1610 м<sup>3</sup>
- ФИК- 94,58%

Қозон агрегати экран трубалари таъминот сувидан насослар ёрдамида тўлдирилиб, 8 дона горелкадан ёниш камерасига берилаётган газнинг ёниши хисобига экран трубаларида сув қизийди ва барабан циклонларида буғи ажралади. ва буғ қиздиргичлардан кетма-кет ўтиб 560°C ҳароратда, 140кгс/см<sup>2</sup> босимда турбинага йўналтирилади, ёнган газлар эса газ йўлида ўрнатилган буғ қиздиргичларда буғни, сув экономайзердаги сувни ва регенератив ҳаво қиздиргичда горелкага берарётган ҳавонинг ҳароратини

бироз ошириб, тутун қувури оркали атмосферага 100-137°С ҳароратда чиқиб кетади.

### **Турбина агрегати**

Турбина асосан қозондан ишлаб чиқарылган бүгни механик энергияга айлантириб, ўзгарган токли ТВФ-63-2 генераторини түғридан түғри айлантириш учун мұлжалланган.

Техник характеристикалари қуйидагича:

- Маркаси Р-50-130/13 Қарши босимли, бир цилиндрли 16 босим босқичли, 1 дона тақсимлаш босқичи.
- Номинал қуввати 50 МВт максимал.
- Максимал қуввати 60 МВт
- Роторнинг айланиш частотаси 3000 об/мин
- Бүгнинг киришдаги босими 130 кгс/см<sup>2</sup>
- Бүгнинг чиқишдаги босими  $10-18 \pm 3$  кгс/см<sup>2</sup>
- Бүгнинг киришдаги ҳарорати 555 °С
- Бүгнинг чиқишдаги ҳарорати 260 °С
- Тармоқда доимий ишлаш учун частота чегаралари 49,5 Гц дан 50,5 Гц гача.

Турбинага кирган 555 °С, 130 кгс/см<sup>2</sup> босимли бүг ростлаш клапанларидан ўтиб, бүг тақсимлаш соплоларидан йўналтириш босқичи аппаратлари оркали 16та босқичли ишчи лапаткаларга урилади ва роторни ҳаракатга келтиради. Узлуксиз бериладиган бүгнинг сарфини кўпайтириш хисобига юклама оширилади ва шу тариқа иш жараёни давом этади.

### **Тутун мўриси**

Тутун мўриси қозоннинг ёниш камерасидаги ёнган газларни атмосферага чиқариб юбориш учун мұлжалланган.

- Баландлиги - 120 м
- Айланаси - 8 м
- Ёнган газларнинг чиқишдаги ҳарорати 137 °С

Камчилик ва муаммолари:

-Юқоридаги 2 ярус футеровкасини алмаштириш керак.

### **Бош корпус**

Бош корпуснинг қурилиш майдони  $4488\text{ m}^2$  ни ташкил этади ва бинода 2 та; турбогенератор ёрдамчи жиҳозлари билан биргаликда ўрнатилган.

Камчилик ва муаммолари:

- Машиналар зали  $2305\text{ m}^2$  қисмини томини алмаштириш.

### **Электр цехи:**

Электр цехининг асосий вазифаси. Ишлаб чикирилган ва электр тармогидан олинаётган электр энергиясини ишлаб чикириш узгартириш, таксимлаш ва Энергосотиш корхонаси билан тузилган шартномадаги параметрлар асосида узатишни куйида курсатилган асосий ва ёрдамчи ускунларни иктисадли, ишончли, хавфсиз ишлатишни таъминлашда 75 нафар ходимлар хизмат килади. Шундан: 22 нафар мухандис техник ходим; 53 нафар ишчи ходимлар.

Генератор ТВФ-63-2 маркадаги 2 дона электр энергияси ишлаб чикириш учун.

#### **Генератор № 1**

Тулик куввати - 78750 кВА

Актив куввати - 63000КВт

Кучланиш - 6300 В

Фойдали иш коэффициенти – 98,4%.

Генератор ичидағи Водород босими – $2\text{кгс}/\text{см}^2$ .

Ишчи холатида.

Жорий таъмир утказилган. (05.09. – 09.09.2005й.)

#### **Генератор № 2**

Тулик куввати - 78750 кВА

Актив куввати - 63000КВт

Кучланиш - 6300 В

Фойдали иш коэффициенти – 98,4%.

Генератор ичидаги Водород босими – 2кгс/см<sup>2</sup>.

Ишчи холатида.

Жорий таъмир утказилган.(28.04.2005й)

Трансформатор ТРДЦН-63000/220/6,3 маркадаги 2 дона (Электр токини 220КВни 6 КВга ёки 6 КВ ни 220 КВга айлантириб бериш учун).

#### Т-№ 1

Куввати –63000 КВ

Юкори кучланиш томони – 220КВ

Пастки кучланиш томони -6,3 КВ

Ишчи холатида.

Жорий таъмир утказилган. (12.04-20.04.2005й)

#### Т-№ 2

Куввати –63000 КВ

Юкори кучланиш томони – 220КВ

Пастки кучланиш томони -6,3 КВ

Ишчи холатида.

Жорий таъмир утказилган. 05.08-09.08.2005й.

Трансформатор ТРДНС-40000/220/6,3 маркадаги 1 дона (Электр токини 220КВни 6 КВга айлантириб бериш учун).

#### Т-№ 4

Куввати –40000 КВ

Юкори кучланиш – 220КВ

Пастки кучланиш -6,3 КВ

Ишчи холатида.

Жорий таъмир утказилган. 15.08-18.08.2005й.

ГРУ-6КВ, ЗРУ-6КВ. Электр таксимлаш ускуналари. Ёпик бинода урнатилган булиб, ундан станция электр ускуналарига ва МГКИЗ электр ускуналарига электр энергиясини узатиш ва таксимлашни амалга оширади.

Ишчи холатида.

Жорий таъмир утказилган. (08.08 – 12.08.2005 й. 15.08-18.08.2005й.)

РУСР-6 КВ, РУСН-0,4 КВ Электр таксимлаш ускуналари. Ёпик бинода урнатилган булиб, ундан станция электр ускуналарини электр энергияси билан таъминлашни амалга оширади.

Ишчи холатида.

Жорий таъмир утказилган. (19.09-23.09.2005й.)

### **Кимё цехи.**

Конденсат тозалаш булими. Конденсат тозалаш куввати 500 т\соат.

Конденсат тозалашда куйидаги курилмалар катнашади:

Кумирли фильтр 6-дона ФИПа-I-3,0-6; МГКИЗдан кайтаётган буг конденсатидан органик бирикмаларни тозалайди.

Ишлаб чикариш унумдорлиги – 60т/соат

Фильтрлаш материали активлаштирилган кумир.

Ишчи холатда

Жорий таъмир утказилган. (Йил давомида)

Сульфоуголли филтрлар. 3-дона ФИПа-I-3-6. МГКИЗдан кайтаётган буг конденсатидан темир бирикмасидан тозалайди.

Ишлаб чикариш унумдорлиги – 250т/соат

Фильтрлаш материали Сульфо уголь

Ишчи холатда

Жорий таъмир утказилган. (Йил давомида)

Н катионитли фильтрлар 4-дона ФИПа-I-3-МГКИЗдан кайтаётган буг конденсатидан Ca, Mg, Na катионлардан тозалайди.

Ишлаб чикариш унумдорлиги – 250т/соат

Фильтрлаш материали Катионит КУ-2-8

Ишчи холатда

Жорий таъмир утказилган. (Йил давомида)

Анионитли фильтрлар – 4- дона МГКИЗдан кайтаётган буг конденсатидан кремний моддасини ажратиб олади.

Ишлаб чикариш унумдорлиги – 250т/соат

Фильтрлаш материали Катионит АВ-17-8

Ишчи холатда

Жорий таъмир утказилган. (Йил давомида)

Н катионитовый фильтрлар градиряни тулдирувчи – 4-дона

Ишлаб чикариш унумдорлиги – 60т/соат

Фильтрлаш материали Фильтрлаш материали активлаштирилган кумир.

Ишчи холатда

Жорий таъмир утказилган. (Йил давомида)

Бак хужалигига 8 дона бак булиб, 250м3 -3 дона; 450м3 - 2 дона; 630м3 – 3 дона.

Реагент хужалигига 3 дона 160м3 хажмида соляный ва серный кислота баки бор.

КОПС хужалигига 2-дона 2000м3 ли окава сув баки ва 3 дона 250м3 нейтрализатор баки мавжуд.

Кимё цехи захирасида мавжуд кимёвий моддалар микдори куйидагича:

№	Кимёвий модда номи	Микдори	Изоҳ
1	Гидразин гидрат 64%	2200кг	Захарли
2	Аммиак 25%	2150кг	Захарли
3	Соляная кислота	2,4тн	Куйдирувчан зарарли
4	Серная кислота	40 тн	Куйдирувчан зарарли
6	Калцированная сода	1,25тн	Зарарли
7	Каустическая сода	15,732 тн.	Зарарли

8	Трилон Б	2125кг	Зараарсиз
9	Фосфат	1072кг	Зараарли
Кимёвий реактивлар			
1	БДАБА	4,2кг	Захарли
2	Реактив «Нестлера»	8,5кг	Захарли
3	Хлороформ	4,9кг	Захарли
4	Калий двухромовый кислый	12кг	Захарли

## **2. ИЭМДА ПАСТ ПОТЕНЦИАЛЛИ ИССИҚЛИК ЧИҚИНДИЛАРИНИНГ ИССИҚЛИГИДАН ФОЙДАЛАНИШ.**

### **2.1. Турбина асосий конденсати трактида паст потенциалли иссиқлик ташувчилардан фойдаланиш.**

Иссиқлик электр станцияларида қишимча сувни тайёрлаш муҳим ва зарур ҳисобланади. Одатда юмшатиш ва карбонсизлантиришдан олдин ва кўпгина ҳолларда вакуумли деаэрациядан олдин дастлабки сув оқимини қиздириш зарур. Қиздириш усули ИЭМдаги сув тайёрлаш қурилмаларининг ишлаш самарадорлигига ва сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Ҳозирги вақтда паст потенциалли иссиқлик манбаларидан фойдаланиш ҳисобига ИЭМ иссиқлик тармоғида қўшимча сув оқимларини қиздириш технологиялари ишлаб чиқилмоқда, бу технологиялар сув тайёрлаш қурилмаларининг ишлаш самарадорлигини ва сифатини ошишини таъминлайди, шунингдек буғ турбинасининиг иссиқлик истеъмолида ҳам электр энергияси ишлаб чиқаришни оширади. Янги ечимларни ишлаб чиқища сув тайёрлашнинг қуйидаги ҳарорат режимлари қабул қилинади:

- деаэратордан олдин қайта ишланадиган сувнинг ҳарорати,  $t_d = 35 \div 50$  °C;
- вакуумли деаэраторларда қиздирувчи агент сифатида фойдаланиладиган сув ҳарорати,  $t_{k.a} = 90 \div 100$  °C;
- деаэраторда деаэрацияланадиган сувни қиздирилиши,  $\Delta t = 10 \div 20$  °C;
- деаэрацияланган сувнинг ҳарорати,  $t_{d.c} = 50 \div 60$  °C.

Бунда турбинанинг асосий конденсати биринчи паст босимли қиздиргичга юборилишдан олдин юзавий иссиқлик алмашинуви қурилмасида дастлабки сув билан совутилади, сўнгра тармоқ сувининг қўшимча суви сув тайёрлаш қурилмасига ёки бевосита вакуумли деаэраторга юборилишдан олдин турбинанинг асосий конденсати билан қиздириласи,

кейин деаэрацияланган қўшимча сув юқориги ва пастги тармоқ қиздиргичларидан олдин тармоқ узатиш қувурига узатилади.

Ушбу технология бўйича ишлайдиган иссиқлик электр станциясининг принципиал схемаси 2.1-расмда келтирилган.

Технология қўйидагича амалга оширилади.

Қозонда ишлаб чиқарилган буг теплофикацион турбина 1 га йўналтирилади. Турбинада ишлатилиб бўлинган буг окнденсатор 2 да конденсацияланади. Сўнгра турбинанинг асосий конденсати асосий конденсатни узатиш қувури 3 орқали таъминот суви деаэратори 4 га узатилади, бунда турбинанинг асосий конденсати деаэратор 4 олдин асосий конденсат қувурига уланган ҳамда конденсат насоси 12 ва таъминот сувининг дефэратори 4 орасида жойлашган паст босимли қиздиргич 5 да таъминот суви ёрдамида қиздирилади. Тармоқ суви теплофикацион турбинанинг юқориги ва пастги исистиш отборларининг буғи ёрдамида тармоқ узуташи 6 га уланган қуи 7 ва юқори 8 тармоқ қиздиргичларида қиздирилади. Дастребки сув сув тайёрлаш қурилмаси 10 юборилишидан олдин юзавий иссиқлик алмашинуви қурилмаси-совутгич 13 да турбинанинг асосий конденсати ёрдамида керакли ҳароратгача қиздирилади. Асосий конденсатнинг паст босимли қиздиргичга киришдан олдин ҳароратини пасайиши иситиш отборларида босимни пасайишига олиб келади ва иссиқлик истеъмолида электр энергиясини ишлаб чиқариш ортади. Дастребки сувга накипҳосил бўлишига қарши ишлов бериш учун сув тайёрлаш қурилмаси 10 ва деаэратор 9 да деаэрацияланиси учун юборилади. Деаэрацияланган сув қўшимча сув учун мўлжалланган бак-аккумулятор 14 да йигилади, сўнгра тармоқ узатиш қувури орқали пастки тармоқ қиздиргичига узатилади.

Шундай қилиб, таклиф қилинган технология бўйича ИЭМ иссиқлик схемасини модернизациялаш натижасида:


а) турбина асосий конденсатининг ҳарорати пасаяди;

б) турбина асосий конденсатининг паст потенциалли иссиқлигидан фойдаланиш йўли билан дастлабки сувни сув тайёrlаш қурилмасидан ва вакуумли деаэратордан олдин қиздириш таъминланади;

в) иссиқлик истеъмолида қўшимча электр энергияси ишлаб чиқариш таъминланади;

г) сув тайёлашдаги ва станциянинг чики эҳтиёжларига ёқилғи сарфи камаяди, бунда атмосферага ташлаб юбориладиган парники газлар миқдори камаяди.

Демак, ушбу технология иссиқлик ва электр энергиясини уйғунлашган ҳолда ишлаб чиқаришда иқтисодийликни, ишончлиликни ва экологик хавфсизликни, шунингдек ИЭМ нинг самардорлигини оширади.



**2.1-расм.** Иссиқлик электр станцияси.

1- ПТ-135-130/15 буғ турбинаси; 2-конденсатор; 3-асосий конденсатни узатиш қувури; 4-таъминот сувининг деаэратори; 5-паст босимли қиздиргич; 6-тармоқ узатиш қувури; 7-қуйитармоқ қиздиргичи; 8-юқори тармоқ қиздиргичи; 9-вакуумли деаэратор; 10-сув тайёrlаш қурилмаси; 11-дастлабки сувни узатиш қувури; 12-конденсат насос; 13-юзавий иссиқлик алмашиуви қурилмаси-совутгич; 14-бак-аккумулятор.

## **2.2. Тұғридан-тұғри иссиқлик алмашинишиң йүли билан паст потенциалли иссиқлик чиқиндиларидан фойдаланиши.**

Хозирда энергия манбаларининг танқислиги ва уларнинг нархларини ортиб кетиши, электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш тан нархларини камайтириш муаммолари долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Паст потенциалли иссиқлик манбаларидан оқилона фойдаланиши натижасыда иссиқлик истеъмолида қўшимча электр энергиясини ишлаб чиқариш ҳисобига электросатнциянинг иқтисодийлиги ортади.


Маълумки, иссиқлик насоси қурилмалари ёки турбодетандер ёрдамида паст потенциалли иссиқлик манбаларидан фойдаланишининг кўпгина усуллари мавжуд, аммо уларни кўллашда кўп капитал ҳаражатлар талаб этилади. Қуйида тұғридан-тұғри иссиқлик алмашинуви йүли билан паст потенциалли иссиқлик манбаларидан фойдаланиши технологияси келтирилган, бу технологияни амалга оширишда кўп капитал ҳаражатлар талаб этилмайди.

Паст босимли қиздиргичга узатилаётган турбина асосий конденсатининг ҳарорати буғ турбина қурилмаси теплофикацион циклининг энергетик самарадорлигига салбий таъсир этади. Ушбу технологияда турбинанинг асосий конденсати биринчи паст босимли қиздиргичга узатилишидан олдин юзавий иссиқлик алмашинуви қурилмасида дастлабки сув билан қиздирилади. Қўшимча таъминот суви сув тайёрлаш қурилмасига ёки бевосита вакуум фильтрга узатилишидан олдин турбинанинг асосий конденсати билан қиздирилади. Бундан ташқари таклиф қилинаётган технологиянинг хусусияти шундан иборатки, қўшимча таъминот сувининг узатиш қувури конденсат йўлидаги иккинчи ва учинчи паст босимли қиздиргичлар орасидаги асосий конденсатни узатиш қувурига уланади.

2.2-расмда таклиф қилинган технология бўйича ишлайдиган иссиқлик электр станциясининг принципиал схемаси келтирилган.

Технология қуйидаги тартибда амалга оширилади.

Козон 13 да ишлаб чиқарилган буфф теплофикацион турбина 1 га юборилади. Турбинада ишлатилиб бўлинган буғ конденсатор 2 да конденсацияланади. Сўнгра турбинанинг асосий конденсати асосий конденсатни узатиш қувури 3 бўйича таъминот сувининг деаэратори 4 га юборилади, ундан олдин конденсат насоси 11 ва деаэратор 4 орасидаги асосий конденсатни узатиш қувурига уланган паст босимли қиздиргич 5 да қиздирилади. Сув тайёрлаш қурилмаси 8 га узатиладиган дастлабки сув юзавий иссиқлик алмашинуви қурилмаси-совутгичда турбинанинг асосий конденсати билан технологик зарур ҳароратгача қиздирилади. Деаэрацияланган қўшимча таъминот суви конденсат йўлидаги иккинчи ва учинчи паст босимли қиздиргичлар орасидаги асосий конденсатни узатиш қувурига уланган узатиш қувури 7 бўйича узатилади. Деаэрацияланган сув бак-аккумулятор 12 да сақланади.



## **2.2-расм. Иссыклик электр станцияси.**

1-ПТ-135-130/15 маркали буғ турбинаси; 2-конденсатор; 3-асосий конденсатни узатиш қувури; 4-таъминот суви деаэратори; 5-паст босимли қиздиргич; 6-қўшимча таъминот сувининг деаэратори; 7-қўшимча таъминот сувини узатиш қувури; 8-сув тайёрлаш қурилмаси; 9-дастлабки сувни узатиш қувури; 10-юзавий иссиқлик алмашинуви қурилмаси-совутгич; 11-конденсат насос; 12-бак-аккумулятор; 13-энергетик қозон.

### **2.3. Иссиқлик тармоғи қўшимча сув тайёрлаш схемасида паст потенциалли иссиқлик ташувчилардан фойдаланиш.**


Ҳозирги вақтда электр энергиясининг асосий манбаси органик ёқилғида ишлайдиган иссиқлик электр станцияси ҳисобланади, иссиқлик электр станциялари ёрдамида дунёдаги 75% электр энергияси ишлаб чиқарилади. Ёқилғи-энергетик манбаларининг нархларини доимий равищада ошиб бориши улардан оқилона фойдаланиш йўлларини топиш зарур. Иссиқлик ва электр энергияси қурама усулда ишлаб чиқаришни ривожланиши анча долзарб масала ҳисобланади. Асосий эътибор ташқи (ташқи истеъмолчиларни иссиқлик энергияси билан таъминлаш) ва ички (иссиқлик энергиясидан иссиқлик манбасининг ўз эҳтиёжларига фойдаланиш) теплофикацияга қаратилган.

Энергетика саноати юқори даражада марказлаштирилган иссиқлик таъминотига эга. Иссиқликнинг асосий манбаси иссиқлик электр маркази ҳисобланади, унинг умумий электр қуввати мамлакат иссиқлик электр станцияларининг 30% қувватини ташкил этади. ИЭМнинг иссиқлик тармоғига қўшимча сув тайёрлаш сув тайёрлаш қурилмаларида амалга оширилади. Сув тайёрлаш қурилмасининг иссиқлик схемаси ва ҳарорат режими барча электр станцияларнинг иссиқлик самарадорлигидан аниқланади.

Сув тайёрлаш қурилмаси иссиқлик юкламасининг асосий улуши дастлабки сувни юшматиш ва вакуумли деаэрациялашдан олдин қиздириш


учун сарфланади. 2.3-расмда иссиқлик тармоғи қўшимча сувини вакуумли деаэрациялашнинг типик схемаси тасвирланган, унга мувофиқ дастлабки сувни сув тозалашдан олдин қиздириш теплофикацион турбинанинг конденсаторида қиздириллади. Дастлабки сувнинг конденсатордан чиқишдаги ҳарорати конденсаторга ўтаётган буғ мифдорини мавсумий ўзгаришига боғлиқ бўлиб,  $10-30^{\circ}\text{C}$  оралиғида бўлади. Юмшатиш ва вакуумли деаэрациялаш нормал ишлаши учун ҳарорати  $40-50^{\circ}\text{C}$  бўлиши керак, шунинг учун уни қўшимча қиздиришга ишлаб отборидаги буғдан фойдаланилади, бу эса буғ турбина қурилмасининг иқтисодийлигини пасайтиради.

Куйида сув тозалашга юбориладиган дастлабки сувни иссиқлик тармоғидаги айланма тармоқ суви оқими билан қиздириш схемаси келтирилган (2.4-расм).



**2.3-расм.** Дастлабки сувни қиздиришнинг типик схемаси.

1-теплофикацион турбина; 2-тармоқ қиздиргичлари; 3-конденсатор; 4-сувни кимёвий тозалаш қурилмаси; 5-вакуумли деаэратор; 6-бак-аккумулятор; 7-иссиқлик тармоғининг қўшимча насоси; 8-иссиқлик тармоғининг циркуляцион насоси.



2.4-расм. Дастрлабки сувни иссиқлик тармоғининг айланма тармоқ суви ёрдами қиздириш схемаси.

1-теплофикацион турбина; 2-тармоқ қиздиргичлари; 3-регенератив қиздиргичлар; 4-конденсатор; 5-буғ қозони; 6-сувни кимёвий тозалаш қурилмаси; 7-вакуумли деаэратор; 8-бак-аккумулятор; 9-дастрлабки сувни қиздиргич; 10-иссиқлик тармоғининг қўшимча насоси; 11-иссиқлик тармоғининг циркуляцион насоси.

Айланма тармоқ суви ҳароратини пасайиши иситиш отборларидаги буғнинг босими ва энталпиясини пасайишига олиб келади ва иссиқлик истеъмолида электр энергиясини ишлаб чиқиш ортади, бунда дастрлабки сувни юмшатиш ва вакуумли деаэрациядан олдин қиздириш имконияти бўлади. Шундай қилиб, сув тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш ИЭМда паст потенциалли иссиқлик ташувчиларнинг иссилигидан оқилона фойдаланиш имконини беради, бу эса ёқилғи сарфини камайтиради ва ундан фойдаланиш самарадорлигини оширади.

Иссиқлик тармоғи қўшимча сув тайёрлашнинг энергетик самарадорлигини баҳолаймиз.

Хисоблаш учун дастлабки маълумотларни қуидагича қабул қиласми: иссиқлик тармоғининг ҳарорат графиги  $150/70^{\circ}\text{C}$ ; теплофикация коэффициенти  $\alpha_{и\mathcal{E}M}=0,6$ ; дастлабки сувнинг ҳарорати  $t_{dc}=5^{\circ}\text{C}$ ; дастлабки сувнинг сув тайёрлаш қурилмасидан олдинги ҳарорати  $t'_{an}=35^{\circ}\text{C}$ ; теплофикацион турбинадан олинаётган иситиш отборларининг иссиқлик юкламаси 100 МВт ни ташкил этади (60%-иситишга; 40%-иссиқ сув таъминотига). Буғ турбинаси сифатида Т-100/120-130 турбинани танлаймиз, қозон қурилмасининг таъминот суви ва иситиш отборларидаги бүгнинг параметрларини унинг энергетик тавсифларига сувоғиқ қабул қиласми. Турбоқурилманинг ишлаш давомийлигини иситиш даври давомийлигига teng деб қабул қиласми.

Айланма тармоқ сувини қўшимча қиздириш ҳисобига иссиқлик истеъмолига турбинадан олинган қувватни қуидаги формуладан аниқлаш мумкин:

$$N_{m}^{\hat{e}\phi} = D_{\hat{e}\phi} (i_0 - i_7) \eta_s \eta_i \quad (1)$$

бу ерда  $D_{k\ddot{y}sh}$  – қуий тармоқ қиздиргичида айланма тармоқ сувини қўшима қиздиришга буғ сарфи, т/соат;  $i_0$ -ўткир буғ энталпияси, кЖ/кг;  $i_7$ -еттинчи отбордаги буғ энталпияси, кЖ/кг;  $\eta_s$ ,  $\eta_m$ -турбоқурилманинг электромагнит ва механик ФИК.

Теплофикацион турбинанинг қўшимча иссиқлик юкламаси узатиш ва қайтиш қувурларида сувнинг ҳароратлар фарқини ўзгаришига боғлиқ ва уни қуидагича аниқлаш мумкин:

$$Q_m^{\hat{e}\phi} = G_{\hat{o},n} \cdot c \cdot \Delta t \quad (2)$$

бу ерда  $G_{t,c}$ -тармоқ сувининг сарфи, т/соат;  $c$ -сувнинг солиштирма иссиқлик сифими, кЖ/(кг· $^{\circ}\text{C}$ );  $\Delta t$ -узатиш ва қайтиш қувурларида сув ҳароратлари фарқини ўзгариш,  $^{\circ}\text{C}$ .

Иссиқлик тармоғи узатиш қувурларида ҳароратлар фарқини ўзгариши тармоқ сувини совутиш ҳисобига юзага келади, унинг қиймати юзавий

иссиқлик алмашинуви қурилмаси-совутгичнинг иссиқлик баланси тенгламасидан аниқлаш мумкин:

$$Q_{\hat{e}\phi} = G_{\dot{a},\bar{n}} \cdot \tilde{n} \cdot \left( t_{\dot{a},\bar{n}} - t_{\dot{a},\bar{n}} \right) = G_{\dot{a},\dot{a},c} \cdot c \cdot \left( \tau_2 - \tau_2' \right) \quad (3)$$

бу ерда  $G_{a,t,c}$ -айланма тармоқ суви сарфи, т/соат;  $\tau_2$ ,  $\tau_2'$ -айланма тармоқ суvinинг иссиқлик алмашинуви қурилмаси-совутгичга киришдаги ва чиқищдаги ҳарорати,  $^{\circ}\text{C}$ .

Иссиқлик алмашинуви қурилмаси-совутгичда айланма тармоқ суvinинг ҳароратини пасайиш қиймати 1-жадвалда ва 2.5,  $a$ -расмда келтирилган.

Айланма тармоқ сувини қўшимча қиздиришга буғ сарфи  $D_{k\ddot{y}sh}$  иссиқлик баланси тенгламасидан аниқланади:

$$D_{\hat{e}\phi} = \frac{Q_{\hat{e}\phi}}{i_{\dot{a},\dot{e}} - i_{\dot{a},\dot{e}}} \quad (4)$$

бу ерда  $i_{\dot{a},\dot{e}}$  – тармоқ қиздиргичи конденсатининг энталъпияси.

Ренератив отборлардаги буғ ёрдамида ишлаб чиқарилаётган қувват қуидагича аниқланади:

$$N_{\dot{a}\dot{a}\dot{a}} = D_{\hat{e}\phi,\dot{a}\dot{a}\dot{a}} (i_0 - i_{\dot{a}\dot{a}\dot{a}}) \eta_y \eta_i \quad (5)$$

бу ерда  $D_{k\ddot{y}sh, reg}$ -буғ конденсатини регенератив қиздириш учун шартли эквивалент отборига буғ сарфи, ундан айланма тармоқ сувини қўшимча қиздириш учун фойдаланилади, кг/с.

$D_{k\ddot{y}sh, reg}$  қиймати шартли регенератив қиздиргичнинг иссиқлик баланси тенгламасидан аниқланади:


$$D_{\hat{e}\phi,\dot{a}\dot{a}\dot{a}} = D_{\hat{e}\phi} \left( i_{\dot{a},\bar{n}} - i_{\dot{a}} \right) / \left( i_{\dot{a}\dot{a}\dot{a}} - i_{\dot{a},\bar{n}} \right) \quad (6)$$

бу ерда  $i_{t,c}$ -таъминот суви энталъпияси, кЖ/кг;  $i^d$ -конденсатнинг тармоқ суви оқимини қиздиришдан кейинги энталъпияси, кЖ/кг.

Насос истеъмол қилган қувватни қуидагича аниқлаш мумкин:

$$N_{\dot{a},i} = \sum_{j=1}^n \frac{G_j \Delta p}{1000 \eta_i} \quad (7)$$

бу ерда  $G_j$ -хисобга олинаётган оқимнинг сарфи,  $\text{m}^3/\text{s}$ ;  $\Delta p$ -насос ёрдамида ҳосил қилинадиган сиқув, кПа;  $\eta_h$ -насоснинг ФИК.



2.5-расм. Таклиф этилган усулдан фойдаланиш самарадорлигини хисоблаш натижалари:

а-анъанавий схема ва таклиф этилган схема учун иссиқлик тармоғининг ҳарорат графиги; б-иссиқлик истеъмолида ишлаб чиқарилаётган электрик кувватни ташқи ҳаво ҳароратига боғлиқ ҳолда ортишинингдиаграммаси.

Янги иссиқлик схемадан фойдаланилганда ИЭМда шартли ёқилғининг йиллик иқтисодини қуидаги кўринишда ифодалаш мумкин:

$$B_{\hat{e}\hat{e}} = \Delta \hat{A}_N - \Delta \hat{A}_D \quad (8)$$

бу ерда  $\Delta B_N$ -иссиқлик истеъмолида электр энергиясини ишлаб чиқаришнинг ортиши хисобига шартли ёқилғи сарфини ўзгариши,  $\text{t}/\text{йил}$ ;  $\Delta B_D$ -турбокурилмада буғ сарфини ортиши хисобига шартли ёқилғи сарфининг ўзгариши,  $\text{t}/\text{йил}$ .

Иссиқлик истеъмолида электр энергиясини ортиши хисобига тежалган шартли ёқилғини қуидаги формула бўйича аниқлаш мумкин:

$$\Delta B_N = \left( N_m^{\hat{e}\phi} + N_{\hat{d}\hat{d}\hat{a}}^{\hat{e}\phi} - N_{\hat{o},\hat{f}} \right) (b_{\hat{y},\hat{e}} - b_{\hat{y},\hat{o}}) h_{\hat{e}\hat{e}\hat{e}} \quad (9)$$

бу ерда  $b_{\hat{e},k}$ -электр энергиясини конденсацион усулда ишлаб чиқарилишига шартли ёқилғининг солиштирма сарфи,  $\text{kg}/(\text{kVt}\cdot\text{соат})$ ;  $b_{\hat{e},t}$ -электр энергиясини

теплофикацион усулда ишлаб чиқарилишига шартли ёқилғининг солиштирма сарфи, кг/(кВт·соат);  $h_{\text{нил}}$ -турбинадан йилида фойдаланиш соатлари сони, с/йил.

Қозонда қўшимча буғ ишлаб чиқариш натижасида ёқилғи сарфини ортиши қўйидагича аниқланади:

$$\Delta B_D = \frac{D_{\hat{e}\phi} (i_0 - i_{\delta\cdot\bar{n}}) h_{\hat{e}\hat{e}\hat{e}}}{Q_{\hat{e}} \cdot \eta_{\hat{e}}} \quad (10)$$

бу ерда  $i_{\text{т.с}}$ -қозон таъминот сувининг энталпияси, кЖ/кг;  $Q_{\hat{e}}$ -ёқилғининг куий ёниш иссиқлиги, кЖ/кг;  $\eta_{\hat{e}}$ -қозоннинг ФИК.

ИЭМда айланма таъминот сувини совутиш учун табиий газдан фойдаланилганда иқтисодий самарани қўйидагича аниқлаш мумкин:

$$\Delta \hat{Y} = \hat{A}_{\hat{e}\hat{e}} \cdot \hat{O} \quad (11)$$

бу ерда  $\hat{Y}$ -шартли ёқилғи сарфи, сўм/т.

ИЭМда айланма тармоқ сувини совутиш учун дастлабки сувдан фойдаланилгандаги самарадорликни ҳисоблаш натижалари 1-жадвалда ва 2.5, б-расмда келтирилган. Ҳисоблаш натижаларидан шуни хulosса қилиш мумкини, айланма тармоқ сувини совутишда таклиф қилинган технологияни қўллаш иссиқлик истеъмолида электр энергиясини ошишини (номиналдан 8,5% га) таъминлайди ва шартли ёқилғи сарфи камаяди, бунда 1128930 минг сўм тежалар экан.

1-жадвал.

ИЭМда дастлабки сувни айланма тармоқ суви оқими билан қиздиришда энергетик самарадорлигини ҳисоблаш натижалари (турбина T-100/120-130)

Гашки ҳаво ҳарорати, °C	Хароратни туриш давомийлиги, соат	Айланма атрмоқ суви ароратини пасайиши, °C	„урта“ иситиш отоори буғининг босими, МПа	„урта“ тартиблар	Киздиргичи буғининг энталпияси, кЖ/кг	Киздиргичи буғ конденсатининг	Сувини киздиршига	Киздиргичи буғининг	Зарфланган турбинанин кўшимида кувват, кВт	Зарфланган турбинанин кўшимида кувват, кВт	Партли ёқилғи иқтисоди т.ш. ё	Еқилингиги иқтисодини	Гулли эквиваленти, мини сўм
-------------------------	-----------------------------------	--	---	------------------	---------------------------------------	-------------------------------	-------------------	---------------------	--	--	-------------------------------	-----------------------	-----------------------------

8	1450	1,92	0,03	2627,80	295,55	1,30	1267,61	852	119280
0	1240	4,28	0,06	2652,16	356,20	2,95	2790,79	1630,8	228320
-5	860	5,76	0,08	2667,04	394,48	4,01	3724,01	1525,06	213440
-10	760	7,23	0,11	2681,52	433,05	5,09	4645,28	1698,71	237840
-15	470	8,71	0,13	2685,60	444,28	6,14	5582,64	1266,27	177280
-20	236	10,18	0,14	2689,78	466,65	7,21	6515,60	744,37	104240
-25	82	11,66	0,15	2693,59	466,26	8,28	7446,80	296,44	41500
-30	12	13,13	0,16	2697,34	476,95	9,36	8375,77	48,93	6850
-31	0,00	13,43	0,17	2698,15	479,30	9,57	8561,12	0,00	0,00
	5110							8062,58	1128930

#### **2.4. ИЭМда паст потенциалли иссиқлик чиқиндилари ва ташланмаларининг иссиқлигидан фойдаланиш.**

Иссиқлик электр сатнцияларининг энергетик самарадорлигини паст потенциалли иссиқлик чиқиндиларини иссиқлигини регенерациялаш усули билан ҳам ошириш мумкин, масалан ИЭСдаги паст потенциалли иссиқлик чиқиндилари ва ташланмалари.


Хар доимгидек, қозон ўтхонасида ёқилғини ёниш жараёнини таъминлаш учун зарур бўлган ҳаво қозоннинг сшрувчи вентиляторлари ёрдамида атмосферадан сўриб олинади. Бунда қозонда ишла чиқарилаётган иссиқлик энергиясининг бир қанча қисми ўтхонага узатилаётган атмосфера ҳавосини дастлабки қиздириш учун сарфланади. Анъанавий технология асосисда ишловчи иссиқликни регенерацияловчи қурилмаларнинг яна бир бошқа камчилиги тоза атмосфера ҳавосидан кўп миқдорда фойдаланишdir.

Қуйида таклиф этилаётган технологияда ИЭМ қозонларидағи сўрувчи вентиляторларида ёки иссиқлик таъминоти тизимида иссиқликни регенерацияловчи қурилмаларда шаҳар кўчаларининг ҳаракатланиш қисмларидағи ифлосланган атмосфера ҳавосини қўллаш ва уни кейинги

термик нейтраллаштириш учун қозон қурилмасининг ўтхонасига узатиш масаласи кўрилган.

Таклиф этилаётган технологияни қўллаш шаҳарда экологик ҳолатни соғломлаштиришни таъминлайди, бунда таркибида чиқинди газлар, углерод оксидлари, формальдегид,ベンаперин, ёнмайдиган углеводородлар бўлган заарли моддалар термик заарсизлантирилади, шунингдек қозон ўтхонасида ҳавонинг иссиқлиги регенерацияланади, иссиқ ҳаво теплотрасса каналлари орқали ташиладиган иссиқлик узатиш қувурларидан олинади.

2.6-расмда теплотрассанинг ер ости каналлари орқали ИЭМ қозонининг ўтхонасига автомагистраллар ёрдамида ифлосланган ҳавони келтириш схемаси келтирилган. У қуйидаги тартибда ишлайди. Автотранспортдан чиқарилаётган ифлосликлар билан заарланган атмосфера ҳавоси ва саноат корхоналарининг ташланмалари, шаҳар кўчаларининг 1 ҳаракатланиш қисмидан атмосфера ҳавоси шамоллатувчи камеранинг 3 ҳаво чиқарувчи деразаси 2 орқали аҳоли яшаш жойлари теплотрассанинг ер ости канали 4 га олиб келинади. Сўнгра ҳаво иссиқлиу узатиш қувури 5 дан ажralиб чиқкан иссиқлик хисобига қизийди ва сўрувчи ҳаво қувури 6 орқали сўрувчи вентилятор 7 орқали қозон қурилмасига 8 узатилади ва уерда ёқилғини ёниш жараёнида иштирок этади.



2.6-расм. Ифлосланган шаҳар ҳавосини теплотрассанинг ер ости каналлари орқали ИЭМ қозони ўтхонасига узатиш схемаси.

1-шаҳар кўчаларининг ҳаракатланиш қисми; 2-ҳаво чиқиб кетувчи дераза; 3-шамоллатиш камераси; 4-теплотрассанинг ер ости канали; 5-иссиқлик узатиш қувури; 6-вентиляторнинг сўрувчи ҳаво қувури; 7-сўрувчи вентилятор; 8-қозон қурилмаси; 9-тутун сўргич; 10-тутун қувури.

Шаҳар ҳавоси таркибидаги заарарли моддалар қозон ўтхонасида термик заарсизлантирилади тутун сўргич 9 ёрдамида тутун қувурига 10 чиқариб юборилади ва анчагина баландлиқда атмосферага ташланади.

Агар экологик ҳавфли туманларда теплотрассани каналсиз ўтказилса, у ҳолда ҳавони шаҳар канализацияси тармоғи орқали ташиш мумкин.

Ифлосланган шаҳар ҳавосини иссиқлик электр станцияларининг қозонларида термик заарсизлантириш технологиясининг экологик ва ичтисодий афзалликлари қўйидагicha:

-шаҳар кўчаларининг серқатнов қисмida ифлослаган ҳавонинг кўп микдори бартараф этилади;

-автотранспорт чиқиндиларини ИЭМ қозонларининг ўтхонасида термик заарсизлантириш самараси кафолатланган;

-ифлосланган ҳавони теплотрассанинг ер ости каналлари орқали ташишда ифлосланган ҳавони узатиш қувурларидан ортиқча иссиқликни ажralиб чиқишини козон қурилмасининг ўтхонасида регенерацияланиши ҳисобига ИЭМда ёқилғидан фойдаланиш самарадорлиги ошади;

-ҳавони дастлабки қиздириш учун ИЭМ калорифер қурилмасида буғ сарфи камаяди;

-капитал ҳаражатлар кичик, қоплаш муддати 1 йилдан ошмайди.


Бундан ташқари иссиқлик тармоқлари каналларини қозонларининг сўрувчи вентилятори ёрдамида шамоллатилиши иссиқлик узатиш қувурларини эксплуатациялаш шароитини яхшилайди, иссиқлик узатиш қувурларини коррозион жараёнларини фаоллиги камаяди, каналлар юзасида томчилар ҳосил бўлмайди.

ИЭС ишлашини энергетик самардорлигини ошириш учун буғ қозонларидан ташлаб юбориладиган продувка сувини паст потенциалли иссиқлигидан фойдаланиш.

Қозон ишлашида накипсиз режимни таъминлаш учун қозон сувида белгиланган туз концентрациясини таъминлашда даврий ва узлуксиз продувка қўлланилади. Накип кальций, магний ва кремнийни қувур метали билан реакцияга киришиши натижасида қувурнинг ички юзларида қаттиқ қатлам ҳосил бўлади, бу иссиқлик узатишни ёмонлашишига олиб келади. Накип қатламининг қалинлиги 3 мм бўлса 2-3% иссиқлик йўқотилади, қозоннинг ФИК 10-12% га пасаяди. Продувка қозон барабанидан тузлик миқдори юқори бўлган қозон сувини чиқариб ташлаш ва уни тузлилик миқдори кам бўлган таъминот суви билан ўрнини тўлдириш мақсадида амалга оширилади. Продувка қозоннинг қувурлар тизимини учта жойидан амалга оширилади, у ерда сувнинг тузлилик миқдори энг кўп бўлган 2.7-расмда келтирилган.

Таъминот суви қувурининг 3 бор узунлиги бўйича тешикчалар орқали барабанга 2 узатилади. Барабанинг пастки қисмида жойлашган пастки ўхшаш қувур 1, продувкада ишлатиладиган сувни йифиш ва олиб кетиш учун мўлжалланган. Погонали буғлатишли қозонларда продувка тузли бўлмалар ёки чиқарувчи циклонларда амалга оширилади. Даврий продувка қозон барабанларида ва қуйи коллекторларда йигилиб қоладиган қуйқалардан тозалаш учун амалга оширилади. Продувка қиймати қуйидагича бўлиши керак, яъни сув қозонининг тузлилик миқдори сифат нормаларини талабига мос келиши керак. Одатда продувка фоизи унинг буғ унумдорлигига боғлиқ равища қабул қилинади. Буғ қозонларини нормал ишлаши учун продувка фоизи кичик ва ўрта қувватли қозонлар учун 10%, юқори қувватли қозонлар учун 5% қабул қилинади, бу эса продувкада ишловчи сув билан йўқотиладиган иссиқлик билан боғлиқ. Продувкали сув билан йўқотиладиган

оптимал иссиқлик миқдори ёқилғини ёниш иссиқлигини 0,1-0,5% ини ташкил этади.



2.7-расм. Буғлатышнинг бир погонали тизимида қозонни продувкалаш схемаси.

1-продувкада ишлатылған сұвни олиб кетиш учун қувур; 2,5-юқориги ва қуй барабан; 3-таъминот сувини кириштүрккен қувур; 4-туширувчи қувурлар; 6-күтірмекші (қайнатувчи) қувурлар; 7-қуйқаларни олиб кетүвчи қувур.

Қозон продувкасияның оқилона жадаллигини аниқлаш критик омил ҳисобланади. Энг катта жадаллик-иссиқлик энергиясини йўқотилиши ва сувни қайта ишлеш учун кимёвий реагентлар сарфини ортиши, энг кичик-аралашмалар концентрациясининг ортиши. Продувканы оқилона жадаллигини аниқлаш учун оддий қоидалар мавжуд эмас, шунингдек сувнинг таркиби маҳаллий шароитга боғлик равишда тез ўзгаради. У таъминот суви сарфидан 1 дан 25% гача ўзгариши мумкин. Энг самарали ечим иссиқликни утилизацияловчи қурилма орқали узлуксиз продувка қилиш ҳисобланади.

Продувканың 5% ли қиймати шуни билдиради, яъни қозонга келтирилаётган таъминот сувининг 5% и продувкага сарфланади, қолган қисми эса буғга айланади. Табиийки продувка қийматини қисқариши энергия тежамкорлигини таъминлади.

Шундай қилиб, таклиф этилган технология паст потенциалли шамоллатиш чиқиндиларининг ва ташлаб юборилаётган продувкага ишлатилган сувнинг иссиқлигини регенерациялаш ҳисобига иссиқлик электр станцияларининг самарадорлигини ошишига олиб келади.

### **3. Мехнат мухофазаси ва хавфсизлик техникиаси.**

*Мехнат хавфсизлиги*-инсоннинг меҳнат қилиш жараёнида хавфсизликни таъминловчи, инсоннинг инсоннинг соғлигини ва иш унумдорлигини сақловчи қонун чиқариш ишлари, ижтимой-иқтисодий, ташкилий, техник, гигиеник ва даволаш-профилактика тадбирлари ва воситалари тизимиdir.

Тўлиқ хавфсизликни таъминлаш ва заарсиз ишлаб чиқаришни ташкил этиш мумкин эмас. Реал ишлаб чиқариш шароити бир қанча хавфли ва заарли ишлаб чиқариш омиллари билан тавсифланади.

*Хавфли ишлаб чиқариши омили* деб шундай ишлаб чиқариш омилига айтиладики, унинг таъсири белгиланган шароитда ишлаётган инсон соғлигини бирданига ёмонлашишига олиб келади.

*Заарарли ишлаб чиқариши омили* деб белиланган шароитда ишлаётган инсонни касалланишига ёки меҳнат қобилиятини сусайишига олиб келувчи ишлаб чиқариш омилига айтилади.

Хавфли ишлаб чиқариш омилига мисол тариқасида машина ва механизmlарнинг ҳаракатланувчи қисмлари, қизиб турган жисмлар, сиқилган ёки заарарли моддалар билан тўлдирилган сифимларнинг устига ишлаб турган детал ёки мосламаларни тушиб кетиши ва ҳоказоларни киритиш мумкин. Заарарли ишлаб чиқариш омилига мисол тариқасида ҳаво таркибидаги заарарли моддалар, ёқимсиз метеорологик шароит, нурланиш иссиқлиги, ёруғликнинг етишмаслиги, вибрация, шовқин, ультра ва инфра товушлар, ионлашган ёки лазер нурлари, электр магнит майдони, кучланишини ортиши ва микроорганизмларнинг мавжудлиги ҳисобига меҳнатни қийинлашиши ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

Хавфли ва заарарли омилларни бир-биридан ажратиб бўлмайди, чунки у ёки бу омил ҳам баҳтсиз ходисага олиб келиши мумкин.

*Ишлаб чиқаршидаги баҳтсиз ҳодиса-ишчи* ходимнинг меҳнат мажбуриятини бажаришида ёки иш раҳбари топшириғи бўйича хавфли

ишлаб чиқариш омилига таъсир этиш ходисасидир. Инсонга заарли ишлаб чиқариш омилиниг таъсир этиши касб касалликларига олиб келиши мумкин. Бахтсиз ходисанинг натижаси шикастланиш ҳисобланади, яъни организм тўқималарининг заарланиши ва ташқи таъсир оқибатида ўз функциясини бажара олмаслигига олиб келади.

*Ишлаб чиқарии санитарияси*-зарали ишлаб чиқариш омиллари билан ишлаганда таъсирларни олдини олиш ва камайтиришнинг ташкилий тадбирлари ва техник воситалари тизимиdir. Ишлаб чиқариш санитариясига меҳнат гигиенасини ва санитар техникани киритиш мумкин, ишлаб чиқариш санитариясига-шамоллатиш, иситиш, ҳавони маромлаш, иссиқлик таъминоти, газ таъминоти, сув таъминоти, канализация, атмосфрега ва сув ҳавзаларига ташланадиган заарли моддалар, ёритиш, инсонни вибрация, шовқин, заарли нурлар ва майдонлар, санитар ва майший бинолар ва иморатлар, қурилиш иссиқлик техникасининг тизимлари ва қурилмаларини киритиш мумкин.

